

**“Neft va gaz quduqlarini sinash” Акциядорлик жамияти акциядорларининг
2020 йил яқунлари бўйича навбатдаги умумий йиғилиши
МАЖЛИС БАЁНИ**

Косон шахри

№ 2/2021

18 июн 2021 йил (соат 15-00)

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари Бутаяров Суюн Салимович йиғилиш қворуми тўғрисида билдириш учун санок комиссияси раиси Х.Мергановга сўз берди.

«Neft va gaz quduqlarini sinash» АЖ даги барча овозлар сони 2 763 900 та.

Акциядорлар қатнашмоқдалар:

Давлат активларини бошқариш агентлиги Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари Бутаяров Суюн Салимович овоз сони 2 041 700 та 73,87 % (10.06.2021 йил 01/08-17-938-сонли ишонч хати).

Жисмоний шахслардан: овоз сони 30 100 та. 1,08 %.

Жами қатнашмоқдалар: 2 071 800 та овоз. 74,95 %

Ҳаммаси бўлиб, жамиятнинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган жами 2 763 900 та овоздан 2 071 800 та овоз ёки жами бўлиб 74,95 % қатнашмоқда.

Йиғилиш қонуний кучга эга.

Шундан сўнг, С.С.Бутаяров сўзга чиқиб йиғилиш раёсатини сайлаш учун қуйидаги номзодларни:

Умумий йиғилиш раиси

С.С.Бутаяров

Умумий йиғилиш раёсати

Б.К.Рахимов, М.Э.Қурбонов

Умумий йиғилиш котиби

С.Бобониёзовларни сайлашни таклиф қилди.

Овозга қўйилди: Ёқловчилар 2071800 та овоз, Қаршилар йўқ, Бетарафлар йўқ.

Кўпчилик овоз билан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси С.С.Бутаяров йиғилишни очишни таклиф қилди.

Овозга қўйилди: Ёқловчилар 2071800 та овоз, Қаршилар йўқ, Бетарафлар йўқ.

Кўпчилик овоз билан йиғилиш очик деб эълон қилинди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Санок комиссиясининг шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият Кузатув кенгашининг 2020 йил яқунлари бўйича ҳисоботини ва 2020 йилда қабул қилинган қарорларини тасдиқлаш.
4. Жамият Директорининг 2020 йил яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
5. 2020 йил яқунлари бўйича жамият фаолияти тўғрисидаги Ташки аудит хулосасини тасдиқлаш.
6. 2020 йил яқунлари бўйича Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
7. Жамиятда 2020 йилда Корпоратив бошқарув тизимига риоя қилинишини баҳолаш юзасидан ҳолис аудиторлик қорхонасининг ҳисоботини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш.
9. Жамият Ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
10. “Жамиятнинг узоқ йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегияси” ни тасдиқлаш.

11. 2020 йил яқунлари бўйича жамиятнинг йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия баланси, фойда ва зарар ҳақидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
12. 2020 йил яқунлари бўйича соф фойда тақсимоти ва дивидендлар ҳажмини тасдиқлаш.
13. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
14. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

1. Йиғилиш кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масалалар юзасидан йиғилиш раиси С.С.Бўтаёров сўзга чиқиб биринчи масала бўйича жамият Санок комиссияси таркибини сайлаб олиш учун, санок комиссияси раислигига жамият ҳисобчиси Х.Мерганов, санок комиссияси аъзолигига ҳисобчи Ў.Болтаев ва иқтисодчи Н.Ўроқовлар номзодларини таклиф қилди.

Овозга қўйилди: Ёқловчилар 2071800 та овоз, Қаршиллар йўқ, Бетарафлар йўқ.

Кўпчилик овоз билан қабул қилинди.

Ушбу масала юзасидан йиғилиш раиси акциядорлардан бюлетень бўйича ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

2. Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан умумий йиғилиш регламентини белгилаш бўйича кун тартибидаги 1-2-3-7-8-9-12-13 ва 14 масалалар бўйича 3-5 дақиқадан ҳамда 4-5-6-10 ва 11 масалалар бўйича 10-15 дақиқадан ва кун тартибидаги масалалар юзасидан савол-жавоблар учун 10-15 дақиқа қилиб белгилашни таклиф қилди.

Овозга қўйилди: Ёқловчилар 2071800 та овоз, Қаршиллар йўқ, Бетарафлар йўқ.

Кўпчилик овоз билан қабул қилинди.

Ушбу масала юзасидан йиғилиш раиси акциядорлардан бюлетень бўйича ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

3. Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан жамият Кузатув кенгашининг 2020 йил яқунлари бўйича ҳисоботи тингланди. Ҳисоботда жамият Кузатув кенгаши томонидан 2020 йилда олиб борилган ишлар, назоратчи ташкилотлар, аудиторлик ташкилотлари ҳамда акциядорлардан тушган хатлар ва таклифларнинг кўриб чиқилиши, Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар ва уларнинг жамият бошқаруви томонидан бажарилиши қай даражада амалга оширилганлиги, 2020 йил яқунлари бўйича жамиятнинг иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилиши тўғрисида ва 2021 йил жамият олдида қўйилган режа ва вазифалар тўғрисида ҳисобот берилди.

Ушбу масала юзасидан йиғилиш раиси акциядорлардан бюлетень бўйича ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

(Кузатув кенгаши ҳисоботи илова қилинади).

4. Кун тартибидаги тўртинчи Жамият Директорининг 2020 йил яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш масаласи юзасидан жамият директорининг геология бўйича ўринбосари М.Э.Қурбоновга сўз берилди.

М.Э.Қурбонов сўзга чиқиб, 2020 йил давомида жамият директори лавозимида Ф.Р.Шамсиддинов фаолият юритганлиги ва Кузатув кенгашининг 2021 йил 1 февралдаги 1-сонли қарорига асосан Ф.Р.Шамсиддинов ўз аризасига асосан ишдан бўшатирилганини айтиб ўтди. У ўз сўзини давом эттириб, йиғилиш қатнашчиларига 2020 йил яқунлари бўйича жамиятнинг молия-хўжалик ҳисоботини ўқиб эшиттирди. Ҳисоботда жамиятнинг 2020 йил фаолияти, бажарилган иш ва хизматлар, синов, капитал таъмирлаш ва бурғулаш ишлари, сарф – харажатлар ва олинган фойда, 2020 йилда эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, иш ҳақи ҳисоблаш ва уларнинг тўланиши, кадрлар тайёрлаш, ёш мутахассислар билан ишлаш, жамиятда 2020 йилда корпоратив бошқарув бўйича олиб борилган ишлар тўғрисида ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун жамиятга янги техникалар сотиб олиш, мавжуд техникалардан

унумли фойдаланиш, ёқилги мойлаш маҳсулотлари, товар моддий бойликлардан унумли фойдаланиш каби долзарб масалалар тўғрисида гапирди.

Шундан сўнг йиғилиш раиси С.С.Бутаяров Қузатув кенгашининг 2021 йил 2 апрелдаги 6-сонли қарорига асосан жамият Директори Ф.Р.Шамсиддиновнинг 2020 йил фаолияти “қоникарсиз” деб баҳоланганлигини айтиб ўтди.

Ушбу масала юзасидан йиғилиш раиси акциядорлардан бюлетень бўйича ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

(Жамият Директорининг 2020 йил яқунлари бўйича ҳисоботи илова қилинади).

5. Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан 2020 йил яқунлари бўйича “AUDIT HISOB MARKAZI” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан тақдим этилган аудиторлик хулосасини жамият ички аудит хизмати аудитори С.Эргашева ўқиб эшиттирди. 2020 йилда жамият молиявий аҳволи, бажарилган иш ва хизматлар, иш ҳажмлари, олинган даромадлар, солиқлар ҳисобланиши ва тўланиши, дебитор кредитор қарздорликлар, иш хақи ҳисобланиши ва тўланиши, ҳисоб сиёсати, бухгалтерия балансларининг юритилиши, корпоратив бошқарув тизимига риоя қилиш, олиб борилган аудиторлик текшируви ва текширув натижалари тўғрисида гапирди ҳамда 2020 йил молия хўжалик фаолияти юзасидан ижобий хулоса берилганлиги тўғрисида ҳисобот берди.

Ушбу масала юзасидан йиғилиш раиси акциядорлардан бюлетень бўйича ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

(Аудиторлик хулосаси илова қилинади).

6. Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан Тафтиш комиссияси аъзоси А.Ёқубов сўзга чиқиб, 2020 йил яқунлари бўйича жамиятнинг молия хўжалик фаолияти комиссия аъзолари томонидан текшириб кўрилганлиги, жамиятнинг молия хўжалик ҳисоботлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мос тузилганлиги, дебитор ва кредитор қарздорликлар, шартномалар тузишда қонунчиликга риоя қилиниши тўғрисида, аффилиланган шахслар билан битимлар тузилиши, корпоратив бошқарув тизимининг ташкил этилиши, ҳисоботларнинг назоратчи ташкилотлар ва солиқ инспекциясига белгиланган муддатларда топширилганлигини таъкидлади ва жамиятнинг 2020 йилда молия хўжалик ҳисоботлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига, дебитор ва кредитор қарздорликлари, шартномалар тузишда, аффилиланган шахслар билан битимлар тузилишида қонун талаблари риоя қилинганлигини айтиб ижобий хулоса берилганлиги тўғрисида ҳисобот берди.

Ушбу масала юзасидан йиғилиш раиси акциядорлардан бюлетень бўйича ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

(Тафтиш комиссияси ҳисоботи илова қилинади).

7. Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан аудитор С.Эргашева сўзга чиқиб, 2021 йил 25 апрел санасида жамиятда 2020 йилда Корпоратив бошқарув тизимига риоя қилинишини баҳолаш юзасидан “AUDIT HISOB-MARKAZI” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан тақдим этилган ҳисобот ўқиб эшиттирилди ва 385 балл билан “Қоникарли” деб баҳоланганлигини айтиб тасдиқлашни таклиф қилди.

Ушбу масала юзасидан йиғилиш раиси акциядорлардан бюлетень бўйича ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

(“AUDIT HISOB-MARKAZI” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи илова қилинади).

8. Кун тартибидаги саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи масалалар юзасидан Жамият Корпоратив бошқарув бўйича менежер С.Бобониязов сўзга чиқиб, саккизинчи масала бўйича жамият Уставининг ўз фаолиятига доир бир қатор бандларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан, жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш мақсадга мувофиқ бўлиши тўғрисида гапирди ва тасдиқлашни таклиф қилди.

Ушбу масала юзасидан йиғилиш раиси акциядорлардан бюлетень бўйича ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

(Жамият янги таҳрирдаги Устав нусхаси илова қилинади).

9. Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан, жамиятда 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллиги ва 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида ишчи ходимлар сонининг камайиши ва айрим самарасиз штатларнинг штатлар жадвалидан чиқарилиши ва жамият ишлаб чиқариши учун зарур бўлган штатларнинг жорий этилиши муносабати билан, жамият Ташкилий тузилмасига бир қатор ўзгартиришлар киритилганлигини таъкидлаб, жамиятнинг янги Ташкилий тузилмасини тасдиқлаш мақсадга мувофиқ бўлиши тўғрисида гапирди ва тасдиқлашни таклиф қилди.

Ушбу масала юзасидан йиғилиш раиси акциядорлардан бюлетень бўйича ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

(жамият Ташкилий тузилмасининг нусхаси илова қилинади).

10. Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан, жамият Дирекцияси томонидан жамиятининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилганлиги ва жамият Кузатув кенгаши томонидан муҳокама қилиниб акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқлаш учун киритилганлигини таъкидлаб, ушбу масалани тасдиқлашни таклиф қилди.

Ушбу масала юзасидан йиғилиш раиси акциядорлардан бюлетень бўйича ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

(жамиятининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегияси нусхаси илова қилинади).

11. Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан жамият Бош ҳисобчиси С.А.Султонов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2020 йил Бухгалтерия баланси ва молиявий йиллик ҳисоботларни ўқиб эшиттирди ва молиявий ҳисоботлар бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мос келиши, баланс активлари, пасивлари, асосий воситалар, молиявий натижалар, солиқларнинг ҳисобланиши, тўланиши, иш ҳақларининг ҳисобланиши ва тўланиши, дебитор ва кредитор қарздорликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар, 2020 йил ҳисоботлари давлат назоратчи ташкилотларига ўз вақтида топширилганлиги тўғрисида гапирди ва жамиятнинг 2020 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия баланси, фойда ва зарар ҳақидаги ҳисоботини тасдиқлашни таклиф қилди.

Ушбу масала юзасидан йиғилиш раиси акциядорлардан бюлетень бўйича ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

(2020 йил бухгалтерия баланси ва молиявий йиллик ҳисоботлари нусхаси илова қилинади).

12. Кун тартибидаги ўн иккинчи, ўн учинчи ва ўн тўртинчи масалалар юзасидан жамият Корпоратив бошқарув бўйича менежер С.Бобониёзов сўзга чиқиб, ўн иккинчи масала бўйича, 2021 йил 30 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлиси 79-сонли баённомасини ўқиб эшиттирди. Мажлис баёнининг 1-бандида Устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд корхоналарда 2020 йил учун олинган соф фойданинг 75 фоизи миқдорида дивидендларга йўналтириш белгиланганлигини таъкидлаб ўтди ва жамиятнинг 2020 йил яқунлари бўйича олган соф фойда тақсимотини тасдиқлаш бўйича жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган соф фойда тақсимотини ўқиб эшиттирди.

2020 йил яқунлари бўйича соф фойда	минг сўм 233 679,0
Дивидендлар тўлови учун 75 %	175 259,0
Махсус фондлар учун. (шу жумладан);	
- Захира фонди 15 %	35 051,0
- Уй жой фонди 10 %	23 368,0

Ушбу масала юзасидан йиғилиш раиси акциядорлардан бюлетень бўйича ўз муносабатларини билдиришларини сўради. (Соф фойда тақсимоти ҳисоби илова қилинади).

13. Кун тартибидаги ўн учинчи, “Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш” масаласи бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат Активларини бошқариш агентлигининг 2021 йил 10 июндаги 31/04-08 сонли хати билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди, унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 356-сонли қарорига асосан устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятларида Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар кўрсатиш Вазирлар Махкамаси билан келишган ҳолда амалга оширилиши белгиланганлиги айтиб ўтилганлиги, номзодларни киритиш юзасидан рўйхат шакллантирилиб Вазирлар Махкамаси билан келишиш жараёни амалга оширилаётганлиги, шунга қўра ушбу масала Вазирлар Махкамаси билан келишилгандан сўнг белгиланган тартибда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилганлигини айтди ва “Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш” масаласини Ўзбекистон Республикаси Давлат Активларини бошқариш агентлиги томонидан рўйхат тақдим этилгандан сўнг белгиланган тартибда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлаб ушбу масалани қолдиришни таклиф қилди.

Ушбу масала юзасидан йиғилиш раиси акциядорлардан бюлетен бўйича ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

14. Кун тартибидаги ўн тўртинчи, “Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш” масаласи бўйича, Ўзбекистон Республикаси Давлат Активларини бошқариш агентлигининг 2021 йил 10 июндаги 31/04-08 сонли хати билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди, унда Давлат Активларини бошқариш агентлиги иштирокидаги хўжалик жамиятлари Кузатув кенгаши аъзолигига ва Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар кўрсатиш юзасидан рўйхат шакллантирилиб Вазирлар Махкамаси билан келишиш жараёни амалга оширилаётганлиги, шунга қўра ушбу масала Вазирлар Махкамаси билан келишилгандан сўнг белгиланган тартибда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилганлигини айтди ва “Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш” масаласини Ўзбекистон Республикаси Давлат Активларини бошқариш агентлиги томонидан рўйхат тақдим этилгандан сўнг белгиланган тартибда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлаб ушбу масалани қолдиришни таклиф қилди.

Ушбу масала юзасидан йиғилиш раиси акциядорлардан бюлетень бўйича ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Шундан сўнг йиғилиш раиси кун тартибидаги барча масалалар таҳлил қилинганлигини айтиб иш яқунланганлиги ва санок комиссиясининг овозлар бўйича натижаларини тинглашни таклиф қилди.

Санок комиссияси натижалари :

Кун тартибидаги масалалар

1. Санок комиссиясининг шахсий таркибини тасдиқлаш.

Ёқловчилар 2071800 та овоз, Қаршилар йўқ, Бетарафлар йўқ.

2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Ёқловчилар 2071800 та овоз, Қаршилар йўқ, Бетарафлар йўқ.

3. Жамият Кузатув кенгашининг 2020 йил яқунлари бўйича ҳисоботини ва 2020 йилда қабул қилинган қарорларини тасдиқлаш.

Ёқловчилар 2071800 та овоз, Қаршилар йўқ, Бетарафлар йўқ.

4. Жамият Директорининг 2020 йил яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.

Ёқловчилар 3400 та овоз, Қаршилар 2068400 та овоз, Бетарафлар йўқ.

5. 2020 йил яқунлари бўйича жамият фаолияти тўғрисидаги Ташки аудит ҳулосасини тасдиқлаш.

Ёқловчилар 2071800 та овоз, Қаршилар йўқ, Бетарафлар йўқ.

6. 2019 йил яқунлари бўйича Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.

Ёқловчилар 2071800 та овоз, Қаршилар йўқ, Бетарафлар йўқ.

7. Жамиятда 2020 йилда Корпоратив бошқарув тизимига риоя қилинишини баҳолаш юзасидан ҳолис аудиторлик корхонасининг ҳисоботини тасдиқлаш.

Ёқловчилар 2071800 та овоз, Қаршилар йўқ, Бетарафлар йўқ.

8. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.

Ёқловчилар 2071800 та овоз, Қаршилар йўқ, Бетарафлар йўқ.

9. Жамият Ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Ёқловчилар 2045900 та овоз, Қаршилар 25900 та овоз, Бетарафлар йўқ.

10. “Жамиятнинг узок йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегияси” ни тасдиқлаш

Ёқловчилар 2071800 та овоз, Қаршилар йўқ, Бетарафлар йўқ.

11. 2020 йил яқунлари бўйича жамиятнинг йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия баланси, фойда ва зарар ҳақидаги ҳисоботини тасдиқлаш.

Ёқловчилар 2044300 та овоз, Қаршилар 27500 та овоз, Бетарафлар йўқ.

12. 2020 йил яқунлари бўйича соф фойда тақсимоти ва дивидендлар ҳажмини тасдиқлаш.

Ёқловчилар 2071800 та овоз, Қаршилар йўқ, Бетарафлар йўқ.

13. “Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш”

Ушбу масалани Ўзбекистон Республикаси Давлат Активларини бошқариш агентлиги томонидан рўйхат тақдим этилгандан сўнг белгиланган тартибда амалга ошириш.

Ёқловчилар 2071800 та овоз, Қаршилар йўқ, Бетарафлар йўқ.

14. “Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш”

Ушбу масалани Ўзбекистон Республикаси Давлат Активларини бошқариш агентлиги томонидан рўйхат тақдим этилгандан сўнг белгиланган тартибда амалга ошириш.

Ёқловчилар 2071800 та овоз, Қаршилар йўқ, Бетарафлар йўқ.

Овоз бериш натижаларига асосан Акциядорларнинг умумий йиғилиши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Санок комиссиясининг шахсий таркибига Х.Мерганов, Ў.Болтаев ва Н.Ўроқовлар тасдиқлансин.

2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши регламентини, кун тартибидаги 1-2-3-7-8-9-12-13 ва 14 масалалар бўйича 3-5 дақиқадан ҳамда 4-5-6-10 ва 11 масалалар бўйича 10-15 дақиқадан ва кун тартибидаги масалалар юзасидан савол-жавоблар учун 10-15 дақиқа қилиб белгилаш тасдиқлансин.

3. Жамият Кузатув кенгашининг 2020 йил яқунлари бўйича ҳисоботи ва 2020 йилда қабул қилинган қарорлари тасдиқлансин.

4. Жамият Директорининг 2020 йил яқунлари бўйича ҳисоботи коникарсиз деб топилсин.

5. 2020 йил яқунлари бўйича жамият фаолияти тўғрисидаги Ташқи аудит хулосаси тасдиқлансин.

6. 2020 йил яқунлари бўйича Тафтиш комиссияси ҳисоботи тасдиқлансин.

7. Жамиятда 2020 йилда Корпоратив бошқарув тизимига риоя қилинишини баҳолаш юзасидан ҳолис аудиторлик корхонасининг ҳисоботи тасдиқлансин.

8. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави тасдиқлансин.

9. Жамиятнинг Ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

10. “Жамиятнинг узок йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегияси” тасдиқлансин.
11. 2020 йил якунлари бўйича жамиятнинг йиллик ҳисоботлари, бухгалтерия баланси, фойда ва зарар ҳақидаги ҳисоботи тасдиқлансин.
12. 2020 йил якунлари бўйича соф фойда тақсимооти ва дивидендлар ҳажми тасдиқлансин.

2020 йил якунлари бўйича соф фойда	минг сўм 233 679,0
Дивидендлар тўлови учун 75 %	175 259,0
Махсус фондлар учун. (шу жумладан);	
- Захира фонди 15 %	35 051,0
- Уй жой фонди 10 %	23 368,0

13. “Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш”

Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Давлат Активларини бошқариш агентлиги томонидан рўйхат тақдим этилгандан сўнг белгиланган тартибда амалга оширилсин.

14. “Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш”

Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Давлат Активларини бошқариш агентлиги томонидан рўйхат тақдим этилгандан сўнг белгиланган тартибда амалга оширилсин.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш жамият Бошқаруви зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш раиси :



С.С.Бутаяров

Йиғилиш котиби :



С.С.Бобониёзов